



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 30 сентябрь, № 206 (7708) Чоршанба

Сайтимизга ўттиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 22 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 11 сентябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Қенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда; № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда) қуйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **261'-модда** билан тўлдирилсин:

«**261'-модда. Давлат ўрмон хўжалиги органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларига ўшбу Кодекс 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78-моддасида, 79-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 80, 83-моддаларида, 84-моддасида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида), 90-моддасининг биринчи қисмида (ўрмон фонди ерларига оид қисмида) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқишга ва жарима солиш тарихидаги маъмурий жазо чораларини қўллашга қуйидагилар ҳақли:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг бош давлат инспекторлари, Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитасининг, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларининг давлат инспекторлари – фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – йигирми бараваригача миқдорда;

(Давоми 2-бетда).



ХОРАЗМ ЛАЗГИСИ — МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

Хар бир миллатнинг қиёфаси, юзи унинг рақс санъатида ҳам яққол намоён бўлади. Ўзбек рақс санъати миллий жозиба, ор-номус, ҳаё, андиша, бетакрор нафосатга асосланади. Хусусан, Хоразм рақсларида кўҳна замин тарихи, ҳалқимизнинг ўзига хос аъёна ва урф-одатлари акс этади. Шунинг учун рақс — сўзсиз қўшиқ, деб эътироф этилган.

Айтиш жоиз, Хоразм рақсларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Айниқса, тарихий рақслар гуруҳига кирувчи “Лазги” ўзига хос ижро услуби ва бетакрорлиги, жозибаси билан нафақат Ўзбекистонда, балки чет

давлатларда ҳам машҳурдир. ЮНЕСКО томонидан “Хоразм лазги рақси” инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатида киритилганлиги ҳам унинг дунё тан олган бетакрор санъат эканлигини далolat беради.

Шу йилнинг 28 сентябрь куни Президентимиз “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарорнинг аҳамияти, унинг қадим санъатимиз ривожига ҳамда тарғиботида тугган ўрни хусусида санъат соҳаси вакиллариининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Қарорга мувофиқ, 2022 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир маротаба 25 — 30 апрель кунлари Хива шаҳрида “Лазги” халқаро рақс фестивали ва унинг доирасида халқаро илмий-амалий конференция ўтказиладиган бўлди. “Лазги” халқаро рақс фестивалининг ташкил этилиши “Хоразм лазги рақси” санъатининг асрий аъёналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик қўламини ва маданий алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман.



Муносабат

Ғуломжон ЭШЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ
артисти:

— Рақс инсонга самимият ва яхшилик каби туйғулари бахш этадиган ниҳоятда нозик санъат тури. Аслида, энг дилбар туйғулар билан чамбарчас боғлиқ рақсларда миллатнинг қадим ўтмиши ва бугуни ўз аксини топади. Бинобарин, рақсларимизда кўҳна замин тарихи, ҳалқимизнинг ўзига хос аъёналарини акс этади.

Шу боис қадим-қадимдан устозларимиз “Лазги” куйини қадим, рақс тушиб, бутун халқимизни хурсанд қилиб келган. Буюк

санъаткоримиз Комилжон Отаниёзов унга сўз боғлаб, “Хоразм лазги рақси” санъати ривожига катта ҳисса қўшди.

Президентимиз шу йил 28 сентябрь куни қабул қилган “Лазги” халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги қарори барча қатори биз, санъаткорларни ҳам беҳад мамнун қилди. Ушбу халқаро фестивал нафақат миллий рақс санъатимизни ривожлантириш, балки ёш истеъдодларни кашф этиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, миллий маданий меросимиз, миллий қадриятлар ва урф-одатларимиз, хусусан, рақс, ҳунармандчилик, тасвирий ҳамада амалий санъат асарлари, ҳайкалтарошликнинг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш учун яна бир имконият бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ТАРИХИЙ НУТҚИ

НАФАҚАТ ЮРТДОШЛАРИМИЗ, БАЛКИ ЖАҲОННИНГ ТАНИҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИ, СИЁСАТЧИЛАР, МАШҲУР ОЛИМЛАР, ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРИБДИ



Акс садо

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти конвенциясини қабул қилиш ташаббуси аслида дунё ҳамжамияти учун огоҳлик қўнғироғи бўлди.



Биз ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари масаласига шу кунгача етарли даражада эътибор қаратмадик. Оқибатда минтақа ва мамлакатлар учун характерли бўлган ёшлар муаммолари чегаралардан чиқиб, халқаро миқёсдаги глобал таҳдидга айланиб бормоқда.

Ёшлар ҳақ-ҳуқуқлари билан шуғулла-нучи халқаро ташкилотлар ҳамда мустақил экспертларнинг кузатишича, турли мамлакатларда яшайдиган қатъи назар, навқирон авлоднинг интилишлари, изла-нишлари, қизиқишларида, орзу ва умид-ларида катта фарқ бўлмайди. Айниқса, глобаллашув жараёнида бу ҳолат кўзга яққолроқ ташланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқини ўқиб, таҳлил этиш жараёнида унда кўтарилган ҳар бир масала ниҳоятда долзарб ва муҳимлигини чуқур англадим. Шу боис ҳам ушбу тарихий нутқда келтирилган муаммоларни, билдирилган таклифларни, илгари сурилган ғояларни алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш мақсадида жамоамизнинг профессор-ўқитувчилари билан фикрлашиб олдик.

Самарқанд давлат университети-да сўнгги йилларда дунёнинг нуфузли олий ўқув юртилари билан ҳам-корлик алоқаларини ўрнатилган ало-ҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида хорижий университет ва институтларга ташрифлар, ўз навба-тида, уларнинг СамДуга таширфла-ри даражасида муносабатлар йўлга қўйилди. Европа ҳамда Америкадаги қадимий олий таълим даргоҳлари, Россия ва Хитой, Исроил, Ҳиндис-тон, Туркиядаги қардошлар билан боғланган дўстлик ришталари бутун ўзининг дастлабки натижаларини бера бошлади.

Биз хорижий дўстларимиз би-

лан нафақат илмий изланишлар, кадрлар тайёрлаш ёки биргаликдаги лойиҳалар доирасида, балки халқла-римиз дўстлиги, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада мус-таҳкамлаш нуктаи назаридан ҳам ҳамкорлик қиляпмиз. Уларга юрти-миз ислохотлари мазмун-моҳияти ҳамда Янги Ўзбекистон концепцияси борасида тарғибот-ташвиқот ишла-рини ҳам олиб бораёпмиз.

Ўзаро мулоқотлар давомида амин бўлдимки, хорижий дўстларимиз Ўзбекистон давлати ҳамда халқимиз ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар ва ислохотларга бе-фарқ эмас.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги тари-хий нутқи юзасидан ҳам хорижий ҳамкасбларимиз билан боғландик. Улар ўз фикр-мулоҳазаларини бил-диришди. Демак, Ўзбекистон раҳба-ри Шавкат Мирзиёевнинг нутқи жа-ҳон бўйлаб кенг ўрганилмоқда, таҳ-лил этилмоқда, баҳс-мунозараларга мавзу бўлмоқда.

Америка, Германия, Россия, Тур-кия, Ҳиндистон, Исроил ва яна қатор мамлакатлар олимлари томонидан Президентимиз нутқига билдирилган илиқ муносабатларни ўқиб, бу эъти-роф ҳамда самимий фикрлардан



юртдошларимизни ҳам баҳраманд этиш нияти туғилди. Куйида улар-нинг айримларини келтириб ўтаймиз.

Рустам ХОЛМУРОДОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Самарқанд давлат
университети ректори,
профессор.

Огоҳлик қўнғироғи бўлди

Бугун Ўзбекистон аҳолисининг яр-мидан кўпини ёшлар ташкил қилиши нутқда қайд этилди. Кўпчилиكنи қувон-тирадиган ва ўрнат олишга ундайдиган бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқ-чиман. Бу — ёшларнинг жамиятда му-носиб ўрин эгаллаши учун Ўзбекистон раҳбарияти томонидан алоҳида ғамхўр-лик ҳамда эътибор кўрсатилаётганидир.

Нутқда ёшлар салоҳиятини намоён этиш ҳақида ҳам фикр юритилди. Бу жуда муҳим. Агар ёшлар фикрлашдан тўхтаса, бу ўша жамиятда инкироз бошланганини билдиради. Ёшлар фикр-лаши, билим олиши, ўз дунёқарашини намоён қилиши учун майдон, минбар ажратилиши жуда зарур ва керак. Ҳар

қандай мамлакатнинг келажагини бил-моқчи бўлсангиз, ўша юрт ёшларин-нинг қизиқиш ҳамда интилишларини ўрганинг, деб бежиз айтилмаган.

Ўзбекистонда бугун Ёшлар пар-ламентлари, Ёшлар ишлари агентли-ги фаолият кўрсатмоқда. Жаҳоннинг жуда кўп давлат раҳбарлари учун ўрнат бўладиган бундай ислохотлар зами-рида мамлакатнинг эртанги кунин учун қайғуриш, муносиб ворислар тайёр-лаш мақсади муҳассас.

Ўзбекистон раҳбарининг таклиф ва ғоялари аллақачон амалий ишлар, ҳаракатлар мисолида ҳаётга кўча бош-лади. 2020 йил август ойида БМТ ша-фелигида ёшлар ҳуқуқларига бағиш-

ланган Самарқанд халқаро форуми ўтказилди. Бу муҳим анжуман жаҳон ёшларининг ўзаро фикр алмашишига кенг имконият яратди.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоячиси, ёшларнинг чексиз ғамхўри, мухтасар айтганда, нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун дунёнинг келажагига бе-фарқ эмаслигини амалда кўрсатди.

Ефим ГИМНАР,
Россия давлат гуманитар
университети президенти,
Россия Фанлар академияси
мухбир аъзоси.



1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ХАЛҚИМИЗ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ ИЛҒОР ВАКИЛЛАРИ СИФАТИДА ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ

Ҳар йили юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади. Минг-мингларча муғраф қалблар-га эзгулик ёғдусини сочадиган, ўз ўқувчиларига ҳаёт мактабини ўргатадиган мўътабар зот — ўқитувчи ҳамда мураббийларимиз касб байрами барчамиз учун бирдай ардоқли.

Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб кўрни, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ҳамда тарбия беришга, уларни мил-лий ва умуминсоний қадрият-лар руҳида қамол топтиришга бағишлаган, мухтасар айтган-да, Ватанимизнинг эртанги кунининг пойдеворини яратёт-ган ўқитувчиларнинг олижаноб меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак оз.

Мен ҳам шу соҳа вакили си-фатида айтишим мумкинки, ус-тозларга кўрсатилаётган эҳти-ром ва эътибор улар ҳаётини яхши томонга ўзгартириб юб-рганидан яхшигина хабардор-ман. Ўқитувчилар орасида ҳалол меҳнати орқасидан орзу-ҳавас-лари ушалаётгани, халқ ораси-да ҳурмат-иззатда юрганлари-нинг санаб адоғига етмайсиз. Муҳим, бу касбнинг заҳмати-ни шараф билиб, устозлар ор-тидан келаётган шогирдларнинг қўлигини айтмайсизми?!

Устоз деганда, ҳар қайси ин-сон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳти-ром ва чексиз миннатдорлик туйғулари, шу билан бира, ҳеч қандай бойлик билан ўлчаб ва

адо қилиб бўлмайдиган қарз-дорлик ҳисси пайдо бўлади. Ин-сон, аввало, унга билим ва маърифат дунёси қарбига бўлган, унинг салби йўл очиб берган, унинг ҳаётига юксак инсоний фазилатлар ҳиссини сингдириш йўлида заҳмат че-кан устоз ва мураббийларига нисбатан кўнглида ҳамisha мин-натдорлик туйғуси билан ашай-ди. Халқимиз устозларни эъзо-лаб: “Устознинг умри — мангу, чунки шогирдлар умри унга ула-нади”, дейди.

Ҳақ гап. Муаллим, устоз шун-дай мўътабар зотки, унинг номи ҳам, умри ҳам ҳамиша боқий-дир. Биз ёшимиз, касбу кори-миздан қатъи назар, бу сўзлар-ни эшитганимизда кўнглимиз-дан фақат илқ фикрлару ёрқин хотиралар ўтади. Қўлимизга қалам тутқазиб, илм оламига етаклаган биринчи устоз-муал-лим, қўнайлаб турганимизда масаланинг тугунини ечишга ёрдам қилган, ана шундай са-вобли амаллари билан умр бўйи ёдимизда қолган меҳри-бон инсон ғавдаланади.



